O’zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

QARAR

2018 yil “17” октябрь № 489 Guliston sh.

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш” Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги “Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 306-сонли қарорларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси ва унинг туман, шаҳар филиаллари томонидан Боёвут, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Ховос туманлари аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда, иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят молия бош бошқармаси (О.Рахимов), вилоят Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси (О.Маматов), тегишли туман ҳокимликлари жойларда вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси ва унинг туман, шаҳар филиаллари томонидан истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати кўрсатилишида белгиланган тўловлар тарифларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширсин.

3. Боёвут, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Ховос туман ҳокимлари 15 кунлик муддатда ичимлик сувини локал сув таъминоти тизимларидан махсус автотранспорт билан етказиб бериш тартибини, аниқ муддатларини, миқдорини, пунктларини белгилаш (тасдиқлаш) бўйича ўз қарорларини қабул қилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги девонхонаси (Ш.Норматов) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Сирдарё ҳақиқати” газетасида чоп этилишини, вилоят

ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва тегишли туман ҳокимликларига ва улар орқали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

5. Вилоят телерадиокомпанияси (З.Дархонов), “Сирдарё ҳақиқати” – “Сырдарьинская правда” газеталари таҳририяти (Ф.Боқиев)га махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати кўрсатилишида белгиланган тўловлар тарифларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига етказиш тавсия этилсин.

6. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Сирдарё ҳақиқати” газетасида эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосари Ж. Ибрахимов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGINING MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM №2